

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ САЛОХИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОТИН –ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ.

ТДТУ таянч докторанти

**Исакова Мохинур Солижон қизи.**

Ушбу мақола жамият иқтисодиётини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири туризм экан, унинг салохиятини оширишга эътибор – каратиш, жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт шароитлар яратиш бўйича ягона давлат сиёсати юритилишига йўналтирилган яхлит концепция шакллантирилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш лозим. Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон юртимиз ҳам саёхат ҳам зиёрат учун қулай минтақа ҳисобланади. Туризм маънавий анъаналар ва тамойиллар мезонини ҳам кўрсатиб бериши айтиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** туризм, иқтисодиёт, ислоҳот, сиёсат, инвестиция, гид, ташқи савдо, тур.

## **PARTICIPATION OF WOMEN IN THE DEVELOPMENT OF TOURISM POWER IN NEW UZBEKISTAN.**

TDTU base doctoral student

Isakova Mohinur Solijon qizi.

Since this article is one of the directions of economic development of the society, it is necessary to focus on increasing its potential, ensuring the formation and implementation of a unified concept aimed at pursuing a unified state policy to create favorable economic, organizational and legal conditions for rapid development. It is also a convenient place to visit. It is said that tourism also reflects the criteria of spiritual traditions and principles.

**Keywords:** tourism, economy, reform, politics, investment, guide, foreign trade, tour.

Жахонда мамлакат ижтимоий- иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган энг муҳим тармоқлардан бири - туризм ҳисобланади. Яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда мазкур

тармоқни янада такомиллаштириш зарурлигини бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилмоқда.Тарихан ҳам саёхат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат бўлган Ўзбекистон,деб аталган она заминимизда бутун дунёга маълум ва машхур бўлган буюк алломалар яшаб, ижод қилганлар.Аждодларимиз қолдирган бой илмий маънавий мерос халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотган. ” Республиканинг туризм салохиятини биринчи навбатда инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш шунингдек бой табиий маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш<sup>11</sup> кераклигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан таъкидланганлиги ҳам бежиз эмас.Зеро бугунги кунда туризм барча мамлакатларда миллий иқтисодиётга салмоқли даромад келтирувчи соҳалардан бири ҳисобланган асосий манбадир.

2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган III устувор йўналишида ҳам туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш<sup>2</sup>га ҳам катта эътибор қаратилган. Бугунги кунга келиб,туризм жадал оммалашиб бормоқда, у нафақат сон,балки сифат жихатдан ҳам ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда. XX-асрнинг ўрталарига келиб табиий туризм ва унинг турли кўринишлари ривожланган бўлса,70-йилларнинг бошларида ундан экотуризм ажралиб чиқишни бошлади. Айниқса, Ўзбекистон маданий туризм бозорини ривожлантиришда, миллий хунармандчилигимиз салмоқли ҳисса қўшади. Хотин қизларнинг қўл меҳнатлари ҳамда хунармандчилигимизни уларнинг меҳнатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистонда туризм салохиятини оширишда ҳамда унинг самарасида аёлларнинг машаққатли меҳнатлари ўз самарасини кўрсатиб

келмоқда. Республикамиз ипакчилик салоҳиятида ҳам айнан аёллар меҳнатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мисол учун пиллачиликда ҳам ишнинг бошланишидан то якунига қадар жараёнларда хотин -қизлар иштирокисиз натижага эришиш мушкулдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари (1999 йилда қабул қилинган “Туризм тўғрисидаги” Қонун), Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, республикамиз олимларининг ўрганилаётган муоммоларга батафсил ёрдам беради.

Бугунги кунда аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қувватлаш мақсадида олиб борилаётган ислохатлар хотин қизларга ўз бизнесини очиб, оиласи эл юрти учун фойда келтириш ҳаётда ўз ўрнини топиш имкони бериляпти. Хусусан Янги Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инноватсион лойихаси биринчи танловининг якуний босқичида Хунарманд уюшмасининг аъзолари бўлган 30 нафардан ортиқ хотин қизлар фаол иштрок этди. Аёлларга берилаётган имкониятлар борасида бир қатор чет эллик сайёҳлар ҳам ўз фикрларини билдиришган.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг 2019 йилдаги ҳисоботида дунёдаги 156 та мамлакатдаги туризм соҳасидаги ишчи мутахассисларнинг 54 фоизи хотин қизлардан иборат эканлиги қайд этилган, дейди Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазири маслаҳатчиси Тимур Мирзаев. Бу борада юртимиздаги хотин қизлар кўрсаткичдадир. Туризм соҳасидаги ишчи кучининг катта қисмини аёллар ташкил этади. Яқинда Ислом академиясида, Ипак йўли туризм университетида, сайёҳлик агентлиги ва гидлар ассоциясида сўровнома соҳасида фаолият юритаётган хотин қизлар кўрсаткичи 40 фоиздан юқори чиқди. Туризмнинг энг кўп даромад келтирадиган сувинер гастрономия гидлик соҳасида аёлларимиз кўпчиликни ташкил қилаётгани қувонарли ҳол албатта. Бунинг сабаби тадбиркор аёлларга берилаётган шарт шароитлар ҳисобланади. Шарқдаги мусулмон устахоналарида бўлгани каби Ўзбекистонда чеварчилик, каштачилик билан аёллар уйда ўтириб шуғулланишган. Хунармандчиликнинг ижтимоий

структурасида уста, халфа ва шогирд каби ижтимоий тоифалар мавжуд бўлган. Хунармандчиликнинг ички тартиб ва қоидаларини унинг низоми сифатидаги “Рисолар” белгилаб берилган. Хар бир касбнинг ўз раҳнамоси яъни пири бўлган, авлоддан авлодга ўтувчи одатлари ва удумларини бошлашдан олдин, уста ўз пирини ёдга олиб ундан мадад сўраш шогирдига фотиҳа бериш каби одатларга риоя этилган. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви халқаро маданий туризмни ривожланиш тобора чуқурлашиб боришига асос бўлмоқда. Бугунги кунда халқаро иқтисодий маданий алоқаларнинг таркибий қисми бўлган туризм таракқиётининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш заруратидан келиб чиқиб, мазмунан мураккаб жараёнларни умумлаштирган ва турли даврий фарқларга эга бўлган илмий адабиётларни уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

1. Совет даврида яратилган адабиётлар.
2. Мустақиллик даврида яратилган тадқиқотлар.
3. Хорижий нашрлар.

Совет даври тадқиқотлари орасида маданий туризмнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда музейлар фаолиятини ўрганишга бағишланган ишларини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Туризм соҳасида собиқ Иттифоқ ҳудудида биринчи пластик карточкалар 1969 йилдан бошлаб ишлатила бошлади. Айнан шу вақтдан бошлаб халқаро тўлов тизимида келишувлар имзоланди. Келишилган натижалардан туристларга хизмат кўрсатиш даражасининг бирмунча яхшиланди.

Бугунги кунда қишлоқ туризми туризмнинг янги ва истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланиб, мамлакат ички ва халқаро туризмни ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ жойларида туризмни ривожлантиришда хотин қизларнинг меҳнати фаолияти энг муҳим рмиллاردан бири ҳисобланади. Мисол учун ипакчилик, тўқимачилик, чорва маҳсулотларини қайта ишлашда ва озиқ овқат туризмни ҳам аёлларимизнинг машаққатли меҳнатлари ётади. Қишлоқ туризми бу

кишиларнинг доимий яшаш уйларига кўрғонларига ва фермер хужаликларига туристик саёхатни амалга ошириши ҳисобланади. Сўнги йилларда бутун дунё бўйлаб қишлоқ туризмига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

**Мустақиллик йилларида аёллар бандлигини** таъминлаш, уларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги имкониятларини белгиловчи ҳамда ижтимоий меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратилган бир қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳужжатларда аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашнинг умумий қоидалари, хотин қизларнинг меҳнат ҳамда имтиёзлар, аёллар меҳнатини муайян соҳа ва касбларда қўллаш бўйича таъқиқлар бекор қилиниши ақс этган. Президентимизнинг парламентга мурожаатномасида олий таълим, айниқса қизлар орасидан етук мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласи бирламчи масала сифатида таъкидланди. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 17 миллиони хотин қизлардир. Уларнинг манфаатларини таъминлаш жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ш.М.Мирзиёев Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент Ўзбекистон 2017 Б.187
2. Бобожонова Д.Б. Ўзбекистон тарихида (Мустақил Ўзбекистон иқтисодий тараққиётида туризмнинг ўрни) Т. 2019
3. Ниғматов А. Экотуризм ва Ўзбекистонда унинг келажак истиқболлари. Тошкент УЗМУ.
4. Солиев А. Ва б. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий иқтисодий ривожланиши. Тошкент 2010.